



## ДЕНТАЛ ИМПЛАНТЛАРГА ТАЯНГАН, ОЛИНМАЙДИГАН ТИШ ПРОТЕЗЛАРИ ҚЎЙИЛГАН БЕМОРЛАРДА ЧАЙНОВ МУШАКЛАРИНИНГ АДАПТАЦИЯ ЖАРАЁНИ

<sup>1</sup>Шахриноз Широнова

Тошкент давлат стоматология институти  
магистранти

<sup>2</sup>Мурод Сафаров

Тошкент давлат стоматология институти

Госпитал ортопедик стоматология кафедраси Т. Ф. Д., профессор  
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7962276>

### ARTICLE INFO

Received: 16<sup>th</sup> May 2023

Accepted: 22<sup>th</sup> May 2023

Online: 23<sup>th</sup> May 2023

### KEY WORDS

### ABSTRACT

**Муаммонинг долзарблиги.** Тиш имплантантлари ҳозирги кунда қисман тишсизликни бартараф этишнинг энг истиқболли усули ҳисобланади. Тиш имплантларини ўрнатиш бўйича қилинадиган операциялар функционал ва эстетик жиҳатдан нуқсонни бартараф этишга ёрдам беради. Стоматология фанининг ривожланишига қарамай оғиз бўшлиғи касалликларининг ошиши юқориликча қолмоқда. Бу эса имплантация қилиш ва протезлаш каби даво чораларни талаб этади. Стоматологик имплантология халқаро журнали (2020) PRISMA кўрсатмаларига мувофиқ ўтказилган кенг қамровли танлов ва амалиёт натижалари шуни кўрсатадики: имплантларга асосланган ортопедик даволашдан сўнг суяк тўқимасидаги ўзгариш ёки ножўя таъсирлар имплантларга ўрнатилган тиш протезларига боғлиқ эмаслиги аниқланди.

Ҳадас университети (Исроил) олимларининг нашрида имплантларнинг мезиал ва дистал четларидаги суяк тўқималасининг қалинлик даражасини ўрнатиш учун имплантация қилинган куни ўрнатилгандан 3 ой ёки 6 ой ўтгач рентгенография билан ўлчанди ва 1 йилдан кейин ҳам текшириш олиб борилди. Бир босқичли ва икки босқичли олинган натижаларга асосланиб 100% ли имплант суякка жойлашиши, маргинал суякнинг ёқолиш даражасини пасайтиришда фарқ йўқлиги исботланди.

Onclin et International Journal of Implant Dentistry (2020) юқори жағда имплант ўрнатишни осонлаштириш учун бурун тешигидан фойдаланишни таклиф этган. Бу эса имплантларни жойлаштиришнинг компьютер томографияси тасвирларини бирлаштириш орқали амалга оширилган.

Дунёда- конфигурациядаги имплантларга асосланган ортопедик даволаш кенг қўлланилади. Стоматологияда имплантология муаммолари Королинска институти, Швеция каби этакчи университет ва марказларда ҳал этилган, Лондон Кингс коллежи, Англия Гонконг университети, Гонконг Мичиган университети, АҚШ Готенбург университети, Шветсия Гарвард университети, АҚШ Осстем Имплант глобал тадқиқот ва ишланмалар марказини очди. Сеул Тсюрих университети, Швецария Берн



университети ва Токио тиббиёт ва стоматология университети, Япония Мелбум университети, Пекин университети, Тиббиёт ва стоматология академияси Сеченов университети, ТсНИС ва ЧЛХ Беларус МДУ, Украина МСА, Тошкент давлат стоматология институти ҳам шулар қаторига киради. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида дентал имплантларга таянган олинмайдиган протезлардан фойдаланиш услуги кенг қўлланилади. Имплант моделлари ва уларни такомиллаштириш, имплантацияда интеграция жараёнини, тишда нуқсонлари бўлган беморларни даволашни, операциядан кейинги даврда асоратларни камайтиришни ўз ичига олади. Бу эса имплантларнинг хизмат қилиш муддатини кўпайтириш имконини беради. Тиш имплантларига таянган мос конструкцияли протезларни қўллаш масалалари долзарблигича қолмоқда (Сафаров М.Т.2020).

2012-2016 йиллар давомида Тошкент стоматология институтига мурожаат қилган беморларнинг эҳтиёжлари ретроспектив таҳлил қилинди. Мурожаат қилганларнинг 50%и ёш бўлишига қарамай етишмаётган тишларнинг сони, юзага келган нуқсонлар ҳажми ҳам ортиб боришидан шикоят қилишган. (Абдуллаев Ш.Й., 2017).

Ортопедик даволашнинг асосий мақсади қисман тишсизлик ва тўлиқ тишсизлиги бўлган беморларда чайнаш функцияси ва эстетикани тиклаш ҳисобланади. Ушбу вазифани амалга ошириш асосан етишмаётган тишларни ўрнини тўлдириш билан эмас, балки бутун стоматологик тизимнинг мувофиқлаштирган фаолиятни нормаллаштириш билан боғлиқ. Қисман тиш ёқолиши кенг тарқалганлардан тиш қатори нуқсонларидан биридир. Бунинг учун дентоалвеоляр тизимнинг асосий текширув усулари, индивидуал суб-акция диагностик усуллари кўрсаткичлари талаб қилинади (Каливградиян Е.С.,2001; Арутюнов С.Д.,2002; Брагин Е.А., 2003). Чайнов аппарати функциясининг мувозанати бузилиши бутун жағ-фациал минтақада аввало функционал, кейин эса органик ўзгаришларга олиб келади (Копеикин В.Н.,1993; Логинова Н.К.,2004 ; Хватова В.Н.,2005).

Дентоалвеоляр тизимнинг функционал ҳолатини баҳолаш учун улар окклюзион диогностика, компьютер томография, магнит резонанс томография, электромиография, пастки жағнинг ҳаракатларини қайд этиш учун экстра ва интраорал усуллардан фойдаланишган. (Арутюнов.С.Д., 1997; Баданин.В.В., 2002; Лебеденко И.Ю ва бошқалар, 2003; Хуггер А.,1997; Бернхардт О ва бошқалар, 2003).

Тиш қатори нуқсонлари бўлган беморларни реабилитация қилиш учун имплантларга таянган таянч тишли кўприксимон протезлар ва бошқа хил олинмайдиган протезлар қўйилади. Протезлашнинг ҳар бир усули ўзининг афзалликлари ва камчиликларига эга. Бу борода индивидуал ёндашув ва дизайнни танлаш муҳим аҳамият касб этади. Яхши натижага эришиш учун функционал диагностика ва биомеханикани ўрганишдан бошлаш керак (Матаев.З.А., 2009).

Ортопедик стоматология амалиётида тиш қаторлари қисман нуқсони бўлган беморлар жуда кенг тарқалган. Жағларда бир нечта ёқотилган ёки тож қисми зарарланган беморларда мукамал тиш функцияларини тиклаш долзарб муаммога айланган. Бундай беморни протезлашда кўплаб клиник омилларни ҳисобга олиш керак. Булардан: қолган тишлар сони, уларнинг жағда жойлашиши, периодонт



қисмлари ҳолати, жағнинг тишсиз соҳаларида алвеоляр ўсиқ отрофияланганлик даражаси, протез қўйиладиган соҳадаги шиллиқ қаватнинг ҳолати ва мушаклар фаолиятига эътибор қаратиш керак (М.И.Садиков., А.М.Нестеров, 2012).

Бугунги кунга келиб қисман тишсизликда протезлаш муаммосини замонавий шароитда ҳал қилиш, дентал имплантларни қўллаш орқали амалга оширилади. Энг мақбул конструкция имплант асосида олинган протез бўлиб, етишмаётган тишларни тиклаш имконини беради. Аниқланишича, протезлаш якунлангандан сўнг чайнов мушакларнинг тонуси функционал жиҳатдан устун томонга ўзгаради ва бу мушаклар асимметрияси пайдо бўлишига сабаб бўлади (А.О.Зекий, 2017).

Жағда протез ўрнатилган томонда чайнаш функциясининг беқарор кўрсаткичлари пайдо бўлади. Бунинг натижасида танланган протезга чайнов мушаклари тонуси ошиб, мослашиш механизми пайдо бўлади. Шундан келиб чиқадики танланган конструкция канчалик мукамал бўлмасин, чайнов аппаратининг мослашув механизми инобатга олинмаса протезга кўникиш, чайнов функциясининг тикланиши узок вақт давом этади (Р.В.Петренко., О.С.Шенетов., И.Н.Мартиненко., Н.А.Рябушко, 2016.)

Тишларнинг йўқолиши ва чайнаш жараёнининг ўзгариши чайнаш жараёнида маҳсулотларнинг керакли даражада майдалашни сақлаб қолишга қаратилган мослашув (адаптив ва компенсацион) жараёнларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Тишларнинг қисман ёки тўлиқ йўқолиши билан чайнов аппаратининг функционал ҳолати ва мослашиш қобилияти пасаяди. Ушбу ўзгаришларни аниқлаш учун электромиографик кўрсаткичлар талаб қилинади. Муаммони ҳал қилиш усулларида яна бири интраосеал имплантларни ўрнатиш мумкин. (Дадаляев В.В, 2006).

Имплантологияда асоратларни олдини олиш муаммосини ҳал қилиш учун тўқималарда метаболитик жараёнларни ўрганиш турли хил диагностик усуллардан фойдаланишни талаб этади. Шу муносабат билан, протезланадиган тишларга тушадиган босимни ўрганиш, даволашдан олдин ва кейин протез атрофидаги тўқималарнинг функционал ҳолатини объектив баҳолаш, тўқималарда патологик ўзгаришлар ривожланишини олдини олиш учун терапевтик ва профилактик чораларини ишлаб чиқиш зарур. Асоратларнинг олдини олиш учун имплантация зонаси тўқималарининг функционал босимга мослашиш жараёнлари хусусиятларини ўрганиш керак (Захаров К.В, 2006).

Беморлар орасида тўлиқ тишсизлик кўрсаткичи 18% ни ташкил қилади ва улар 60 ёшдан ошган, ёш гуруҳда эса (30-50 ёш) у 25% га этади (Малй А.Ю ва бошқ., 2006). Тўлиқ тишсизлик юз-жағ тизимида сезиларли морфологик ва функционал ўзгаришларга, шунингдек, беморларнинг мослашувига олиб келади (Курляндский В.Ю, 1988, Воронов И.А ва бошқалар, 2006; Зимбалистов А.В ва бошқалар, 2002; Мухлҳаусер А, 2006). Шунини таъкидлаш керакки, беморларнинг 20-65 фоизи анатомик, физиологик, клиник, технологик, психологик сабабларга кўра ишлаб чиқарилган тўлиқ олинмаган протезлардан фойдаланмайди (ВОЗ, 1999, Лебеденко И.Ю ва бошқалар, 2004; Буланников ва бошқалар, 2006).

Дис-адаптатсия яни мослашиш жариёни омиллари орасида протезларнинг ёмон фиксацияси кўрсатилади. Шу муносабат билан, тишлари тўлиқ йўқ бўлган



беморларни реабилитация қилиш тизими замонавий фан ва амалий ютуқлардан фойдаланган ҳолда янада такомиллаштиришни талаб қилади. (Шашмурина В.Р. 2008 Содиқов М.И, 2002; Свири Б.В, 2005).

**Мақсад.** Мақолада дентал имплантлар асосидаги олинмайдиган протезни қўйишдан олдин ва кейин чайнов аппаратидаги функционал ўзгаришлар даражасини аниқлаш.

**Илмий таҳлил.** Сафаров М.Т.нинг тадқиқотида тиш имплантларига таянган тиш протези атрофидаги қон алмашинуви жараёнини ўрганган ва 4-6 ой давомида гемодинамиканинг тикланишини қайд этди. Бундан ташқари суяк ичи имплантларнинг рухсат этилган бурчаги суяк ўқига нисбатан 15-17 даража эканлиги экспериментал равишда исботлаб берган.

Россиялик олим Зекий А.О. ўз тадқиқотларида стоматологик даволаш жараёнида беморда гнатодинамометрия ва электромиография маълумотларини кузатди. Бунинг натижасида протез ўрнатилгандан кейин олти ой ичида функционал жиҳатдан доминант чайнов мушакнинг ўзгариши аниқланган ва бу чайнов мушакларининг ассиметрияси сифатида баҳоланган. Бу тадқиқотнинг мақсади бир томонлама тиш имплантациясидан кейин мушакнинг мослашув динамикасини баҳолаш, чайнов функциясини ўрганиш, бунинг учун диагностик усулларнинг имкониятларини очиқ беришдан иборат.

Бундан фарқли ўлароқ украиналик бир гуруҳ тадқиқотчилар Шеметов О.С., Мартиненко И.Н., Петренко Р.В., Рябушко Н.А. тўлиқ олиб қўйиладиган протезларга бағишланган тадқиқотида беморнинг протезга тезроқ қўникиши жуда қаттиқ овқат чайнаганда оғриқ ҳақидаги шикоятнинг бўлмаслигига эришиш, протезларни яхши маҳкамлаш ва барқарорлаштириш, бемор талаффузининг тез тикланиши, чайнов мушакларининг ижобий функционал шаклланиш даражаси каби қўплаб натижаларга эришилган.

Самара давлат тиббиёт университети олимлари Садыков М.И., Нестеров А.М. мақоласида кўрсатилишича, назорат гуруҳидаги барча беморлар (15 киши) пастки жағнинг қисман олинмайдиган пластинкали протезлари билан ортопедик даволанса, асосий гуруҳ (15 киши)да етишмаётган тишлар томонда иккита имплант ўрнатилган ва шу асосда қисман олинмайдиган протезлар ясалган. Бу беморларда чайнов мушакларини электромиографик тешкирув усулини олиб борган. Бу тадқиқотчиларнинг эришган натижалари мана шундай икки хил конструкцияга эга бўлган беморларда электромиография методини қўллаб чайнов мушаклари мослашув диаграммасини тузишдан иборат бўлган.

Россия Федерацияси биотиббиейтини такомиллаштириш агентлиги тадқиқотчи олими Шашмурина В.Р. ўзининг илмий ишида беморларни протезлашдан сўнг мослашиш механизмлари асосида пастки жағ тўлиқ тишсизлигида суяк ичи имплантларининг қулланилишини ўрганган. Беморларни реабилитация қилиш учун имплантларни ўрнатишдан ортопедик даволанишни бошлашгача бўлган даврда (биринчи босқич - уч ой), протезларни мослашиш даврида қўллашдан кейин (иккинчи босқич - бир йил) баҳоланди. Диспансер кузатуви даврида (учинчи босқич бир йилдан беш йилгача бўлган). Ҳар бир даврда энг информатив тадқиқотлар танлаб олинди ва





муҳим клиник адаптив-компенсатор жараёнларни ўрганилган. Имплантациядан кейин ва протезга мослашиш даврида тўқималарида содир бўладиган жараёнлар клиник ва рентгенологик доплерография маълумотларига, тиш биоплёнкаси, оғиз микрофлорасини, имплантларнинг барқарорлигини ўрганишга асосланган. Тадқиқотнинг илмий аҳамиятли пастки жағ суяк оптимал ҳолати, ўлчами ва жойлашуви, суяк ичи имплантларга ўрнатилган қисман ва тўлиқ олинадиган протезлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

Яна бир олим В.В.Дадаляян нанографтлар ёрдамида дентоалвеоляр тизимни функционал қайта тикланишини ўрганган. Бунга асосан ортопедик даволашдан сўнг тишларида нуқсонлари бўлган беморларнинг чайнов функцияси самарадорлигини оширишни ўз илмий ишида очиб берган. Тадқиқотнинг моҳияти шундан иборатки тиш қаторлари турли нуқсонлар билан оғриган беморларда ортопедик муолажадан олдин ва кейин боғичлар асосида чайнов мушаклари фаолиятининг хусусиятларини ўрганиш. Бундан ташқари дентоалвеоляр тизимининг имплантлар асосидаги олинадиган ва олинмайдиган структурали протезлашдан кейин мослашиш механизмлари илмий ишда кўрсатилган. Олинган маълумотларга асосланиб, имплантлардан фойдаланган ҳолда протезлашдан кейин беморларни даволашнинг тиббий тактикаси бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Биринчи марта сунъий синов материали билан чайнов тестидан фойдаланган ҳолда, тиш имплантатсиясига асосланган ортопедик тузилмаларга эга тишларини қисман ва тўлиқ йўқотган беморларда чайнаш функцияси ҳолати ўрганилди. Чайнов тестининг ўртача диаметрик кўрсаткичларининг чегаравий қийматлари аниқланган. Бунинг натижасида бир томонлама нуқсони бўлган беморларнинг чайнов босими 25% га камайиши кўрсатилган. Имплантларга таянган олинмайдиган протезлар билан даволанган беморларда ортопедик даволашдан кейин чайнаш мушакларининг функционал фаоллиги деярли тўлиқ тикланганлиги кўрсатилган. Бироқ, олинадиган протезлардан фойдаланган беморларда, чайнаш аппарати ритми ва динамикасида баъзи бузилишлар сақланиб қолиши илмий асослаб берилган.

**Хулоса** ўрнида шуни айтиш жоизки тишларини қисман ва тўлиқ ёқотган беморларнинг чайнаш функцияси ҳолатини ҳар томонлама баҳолаш керак. Бунинг асосида имплантлар ёрдамида протезлашдан сўнг чайнаш самарадорлиги ва чайнов тишларининг функционал фаоллигини ҳисобга олиш зарур. Чайнов жараёнининг ритми ва динамикаси имплантларга таянган олинмайдиган протезлардан сўнг тўлиқ тикланади, аммо имплантларга асосланган олинадиган протезлар билан чайнаш ритмидаги бузилишлар сақланиб қолади. Шулардан келиб чиқиб даволашни режалаштиришдан олдин чайнов аппаратининг фаолиятини ўрганиш ортопедик стоматология амалиётида мажбурий процедурага айланиши керак. Чунки бу қўйиладиган протезга мослашув даврини қисқартириш имконини беради. Беморларда дентал имплантларга таянган тўлиқ олинадиган ва олинмайдиган протезлар қўйилганда, даволашдан олдин ва кейин чайнов мушаклари тонусини ўрганиш ва мослашув механизмининг оптимал даражасига эришиш зарур.



## References:

1. Лебеденко И.Ю., Каливраджийан Э.С. Учебник ортопедическая стоматология. – Москва: ГЭОТАР-Медия, 2016. – 640 стр.
2. Лебеденко И.Ю., Арутюнов С.Д., Ряховский А.Н. Ортопедическая стоматология. – Москва: ГЭОТАР-Медия, 2016. – 824с.
3. Курбанов О.Р., Абдурахманов А.И., Абакаров С.И. Ортопедическая стоматология (несъемное зубное протезирование). – Москва: ГЭОТАР-Медия, 2015. – 456 с.
4. Курляндский В. Ю. Медицина, 1973. — 375 с.
5. Токарев И.В. и др. **Основы ортодонтии**. – Минск:БГМУ, 2010.–107 с.
6. Зекий А.О. Клиническая стоматология. – 2017. – №2. – 28-29 с.
7. Матаев З.А. Москва, 2009. – 100 с.
8. Васильев А.Ю. Лучевая диагностика в стоматологии. Национальное руководство. - М: ГЭОТАР – медиа, 2010. – 288 с.
9. Axror o'g'li A. M. et al. COVID-19 ВИРУСИ БИЛАН ОФРИГАН ТИШСИЗ БЕМОРЛАРНИ ТЎЛИҚ ОЛИБ ҚЎЙИЛУВЧИ ПРОТЕЗЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ //Scientific Impulse. – 2023. – Т. 1. – №. 6. – С. 1816-1823.
10. Вохидов Н. и др. Оценка эффективности методов эндоскопии и аудиометрии при хроническом экссудативном отите //Медицина и инновации. – 2021. – Т. 1. – №. 1. – С. 73-75.
11. Гаффаров С. А., Сафаров М. Т., Шарипов С. С. Қаннын интегральді керсеткіштеріне алынбайтын кепірлі протездердің эсер етуі //Материал Международного Конгресса стоматологов. – 2014. – С. 14-16. Медицина и инновации. – 2021. – Т. 1. – №. 1. – С. 117-122.
12. Саломович Ш. С. THE INFLUENCE OF REMOVABLE DENTURES ON THE ORAL CAVITY MICROFLORA //Ёш олимлар кунлари тиббиётнинг долзарб масалалари: III. – 2014. – Т. 1. – С. 102.
13. Сафаров М. и др. Влияние несъемных зубных протезов различной конструкции на микробиологические и иммунологические показатели полости рта //Stomatologiya. – 2014. – Т. 1. – №. 1 (55). – С. 18-23.
14. Сафаров М., Мусаева К., Шарипов С. Олинмайдиган кўприксимон тиш протезларининг оғиз бўшлиғи микробиологик ҳолатига таъсири //Stomatologiya. – 2017. – Т. 1. – №. 2 (67). – С. 51-54.
15. Салимов О. Р. и др. ПРОТЕЗИРОВАНИЯ СЪЕМНЫМИ КОНСТРУКЦИЯМИ ПАЦИЕНТОВ С САХАРНЫМ ДИАБЕТОМ 2 ТИПА //Scientific Impulse. – 2022. – Т. 1. – №. 5. – С. 1507-1514.
16. Salomovich S. S. CHOP ETTIRILGAN MAQOLALARIGA IQTIBOS KELTIRILISHI //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 18. – №. 3. – С. 255-276.
17. Иноятлов А. Ш. и др. Особенности клинических проявлений COVID-19 в ротовой полости //Интегративная стоматология и челюстно-лицевая хирургия. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 37-39.



18. Иноятлов А. Ш. и др. Тиш қатори ва окклюзион тексликдаги ўзгаришлар ҳамда уларнинг чакка-пастки жағ бўғимиға таъсири //Интегративная стоматология и челюстно-лицевая хирургия. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 40-47.
19. Иноятлов А. и др. COVID-19 БИЛАН ОҒРИГАН ТИШСИЗ БЕМОЛЛАРИ ОРТОПЕД СТОМАТОЛОГ ЁНДАШУВИДА РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШДАН ИЗЛАНИШЛАР //Eurasian Journal of Medical and Natural Sciences. – 2023. – Т. 3. – №. 1. – С. 7-13.
20. ИНОЯТОВ, А. Ш., ХАЙДАРОВ, Н. К., & КАМАЛОВА, М. И. (2022). ОДОНТОГЕН ОҒРИҚНИ ЭТИОЛОГИЯСИ, ДИАГНОСТИКАСИ ВА ЗАМОНАВИЙ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ (АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ). *ЖУРНАЛ БИОМЕДИЦИНЫ И ПРАКТИКИ*, 7(5).
21. Ирсалиев Х. И., Нигматов Р. Н., Хабилов Н. Л. Ортопедик стоматология //Тошкент: ИLM/ЗИО. – 2011. – Т. 304.
22. Lukmanovich X. N. et al. COVID-19 BILAN O'G'RIGAN TISHSIZ BEMORLAR OG'IZ SHILLIQ QAVATI TIZIMIDAGI BUZILISHLAR //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 14. – №. 4. – С. 152-154.
23. Хабилов Н., Шарипов С. ОСОБЕННОСТИ ПРИЕМА ПАЦИЕНТОВ ВРАЧАМИ-СТОМАТОЛОГАМИ В УСЛОВИЯХ ПАНДЕМИИ НОВОЙ КОРОНАВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИИ (COVID-19) //Збірник наукових праць SCIENTIA. – 2021.
24. Шарипов С. С., Хабилов Н. Л. COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ТИШ ПРОТЕЗЛАШ АМАЛИЁТИНИ ХАФСИЗ САҚЛАШНИНГ УСУЛЛАРИ //EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH. – 2021. – Т. 1. – №. 2. – С. 845-854.
25. МУН Т. О. и др. ЯНГИ МИЛЛИЙ ТИШ ИМПЛАНТАТИ КОНСТРУКЦИЯСИНИ ЯРАТИШ ВА ҚЎЛЛАНИЛИШИНИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 16. – №. 4. – С. 57-62.
26. Нормуродова Р., Сафаров М., Дадабаева М. Ортопедическое лечение на дентальных имплантатах у пациента с сахарным диабетом 2 типа //Актуальные проблемы стоматологии и челюстно-лицевой хирургии 4. – 2021. – Т. 1. – №. 02. – С. 120-122.
27. Нормуродова Р. и др. ИЗМЕНЕНИЯ МИКРОЦИРКУЛЯЦИЯ ПРОТЕЗНОГО ЛОЖА ПОСЛЕ ПРОТЕЗИРОВАНИЯ У БОЛЬНЫХ САХАРНЫМ ДИАБЕТОМ 2 ТИПА //Медицина и инновации. – 2021. – Т. 1. – №. 4. – С. 373-377.
28. Худойбергенова П. Т., Шарипов С. С. МИЛЛИЙ ҒОЯ ХУСУСИДА ҚИСҚАЧА МУЛОҲАЗАЛАР //Бюллетень педагогов нового Узбекистана. – 2023. – Т. 1. – №. 5. – С. 5-8.
29. Клемин В. А. и др. ИММУНОЛОГИЧЕСКИЕ ПРЕДИКТОРЫ ПРОТЕЗНОГО СТОМАТИТА АЛЛЕРГИЧЕСКОГО ГЕНЕЗА //Евразийский журнал медицинских и естественных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 4. – С. 184-192.
30. Клемин В. А. и др. РАЗБОРНАЯ КОМБИНИРОВАННАЯ ВКЛАДКА ДЛЯ ВОССТАНОВЛЕНИЯ РАЗРУШЕННЫХ КОРОНОК ФРОНТАЛЬНЫХ ГРУПП ЗУБОВ //Центральноазиатский журнал образования и инноваций. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 12-20.
31. Хабилов Н., Сафаров М., Дадабаева М. Проблемы зубного протезирования у больных сахарным диабетом //Stomatologiya. – 2016. – Т. 1. – №. 2-3 (63-64). – С. 140-148.
32. Xabilov NL va boshqalar. QATTIQ tish to'qimalarining o'chirilishining xarakteristikalar va keyingi ortopedik davolashga ta'siri //Britaniya nuqtai nazari. – 2022. – Т. 7. – №. 1.



33. Хабилов Н., Сафаров М., Азизова Ш. ОРТОПЕДИК СТОМАТОЛОГИЯДА ГИПЕРЕСТЕЗИЯНИНГ ЗАМОНАВИЙ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ДАВОЛАШ //Stomatologiya. – 2021. – Т. 1. – №. 1 (82). – С. 77-81.
34. Хабилов Н., Сафаров М., Азизова Ш. В ОРТОПЕДИЧЕСКОЙ СТОМАТОЛОГИИ СОВРЕМЕННАЯ ПРОФИЛАКТИКА И ЛЕЧЕНИЕ ГИПЕРЕСТЕЗИИ //Stomatologiya. – 2021. – №. 1 (82). – С. 77-81.
35. Ходжиева Д. Т., Хайдаров Н. К., Хайдарова Д. К. Коррекция астеноневротического синдрома энергокорректором цитофлавином //Неврология.–Ташкент. – 2013. – №. 3. – С. 16-19.
36. Хикматуллаева Ш. Ш. и др. Клинические аспекты панического расстройства //Тенденции развития науки и образования. – 2020. – №. 62-2. – С. 33-36.
37. Хайдаров Н., Абдуллаева М., Чориева Ф. Современные методы лечения невралгии тройничного нерва //Медицина и инновации. – 2021. – Т. 1. – №. 2. – С. 26-30.
38. Хайдаров Н., Нормуродова А., Раманова Д. Анализ стоимости рабочего времени медсестер онкологической службы //Медицина и инновации. – 2021. – Т. 1. – №. 2. – С. 6-8.
39. Шарипов С. С., Саидов А. А., Гаффаров С. А. Кимёвий бўёқларнинг ишчилари оғиз бўшлиғига салбий таъсирини тажрибада асослаш ва даволашнинг самарали усуллари //Ўзбекистон Врачлар Ассоциацияси Бюллетени. – 2014. – Т. 2. – №. 2. – С. 50-53.
40. Шарипов С. ЧОП ЭТТИРИЛГАН МАҚОЛАЛАРГА ИҚТИБОС КЕЛТИРИЛИШ ТАҲЛИЛИ //Zamonaviy dunyoda innovatsion tadqiqotlar: Nazariya va amaliyot. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 55-62.
41. Шарипов С. Мақолаларга иқтибос келтирилишда халқаро шаклнинг аҳамияти //Молодые ученые. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 10-23.
42. Салимов О. и др. Антирадикальные свойства ротовой жидкости при адентиях у больных ожирением //Stomatologiya. – 2014. – Т. 1. – №. 3-4 (57-58). – С. 47-53.
43. Habilov N. et al. Optimization of dental culture at school children and teachers residing prearal-region //International Journal of Pharmaceutical Research. – 2020. – Т. 12. – №. 2. – С. 733-735.
44. Ким В. Э., Сафаров М. Т. КОМПЬЮТЕРНЫЙ АНАЛИЗ ОККЛЮЗИОГРАММ У ПАЦИЕНТОВ С ЧАСТИЧНОЙ АДЕНТИЕЙ. – Conferences, 2022.
45. Сафаров М. Т. и др. SOME ASPECTS OF RETRACTION THE GINGIVAL SULCUS //УЗБЕКСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЖУРНАЛ. – 2021. – №. SPECIAL 3.
46. Gaffarov S., Sharipov S. ANALYSIS OF MACRO AND MICROELEMENTS IN TEETH, SALIVA, AND BLOOD OF WORKERS IN FERGANA CHEMICAL PLANT OF FURAN COMPOUNDS //European Medical, Health and Pharmaceutical Journal. – 2014. – Т. 7. – №. 2.
47. Salomovich S. S. et al. Assessment of Changes in the Microbiological Parameters of the Oral Fluid in Patients Who Underwent Sovid-19 with Complete Edentulism before and after Prosthetics //NeuroQuantology. – 2022. – С. 6734-6739.
48. Ilkhomovna K. M., Eriyigitovich I. S., Kadyrovich K. N. Morphological Features of microvascular Tissue of the Brain at hemorrhagic stroke //The American Journal of Medical Sciences and Pharmaceutical Research. – 2020. – Т. 2. – №. 10. – С. 53-59.





49. Isroilovich A. E. et al. Analysis of Risk Factors in the Etiopatogenesis of Congenital Myopathy Syndrome. – 2022.
50. Tashpulatova K. et al. Technique for eliminating traumatic occlusion in patients using Implant-supported bridges //European Journal of Molecular & Clinical Medicine. – 2020. – Т. 7. – №. 2. – С. 6189-6193.
51. Муродова М. К. и др. ASPECTS OF OPTIMIZATION OF ORTHOPEDIC DENTAL CARE FOR PREGNANT WOMEN IN THE CITY OF TASHKENT //УЗБЕКСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЖУРНАЛ. – 2021. – №. SPECIAL 2.
52. Khabilov N. L., Shzaripov S. S., Sh I. A. Comparative analysis of the functional state of the microcirculation of the prosthetic bed in patients with complete adentia after Covid-19 disease //Eurasian Medical Research Periodical. – 2022. – Т. 15. – С. 56-60.
53. Худойбергенова П. Т., Шарипов С. С. МИЛЛИЙ ҲОЯ ХУСУСИДА ҚИСҚАЧА МУЛОҲАЗАЛАР //Бюллетень педагогов нового Узбекистана. – 2023. – Т. 1. – №. 5. – С. 5-8.
54. Kamalova M. I., Khaidarov N. K., Islamov S. E. Pathomorphological Features of hemorrhagic brain strokes //Journal of Biomedicine and Practice. – 2020. – С. 101-105.
55. Kamalova M. I. Islamov Sh. E., Khaydarov NK //morphological changes in brain vessels in ischemic stroke. Journal of Biomedicine and Practice. – 2020. – Т. 6. – №. 5. – С. 280-284.
56. Камалова М. И., Хайдаров Н. К. Prevention and risk factors for brain infarction (Literature Review) //Журнал неврологии и нейрохирургических исследований. – 2020. – Т. 1. – №. 2.
57. Kamalova M., Khaidarov N., Shomurodov K. Microscopic examination of brain tissue in hemorrhagic stroke in uzbekistan //Матеріали конференцій МЦНД. – 2021.
58. Khodjiev D. T., Khaydarov N. K. New Technologies in Treatment of Patients in the Acute Period of Stroke //American Journal of Medicine and Medical Sciences. – 2020. – С. 393-396.
59. Kamalova M., Khaidarov N. Assessment of quality of life in ischaemic stroke patients //Збірник наукових праць Scientia. – 2021.
60. Kamalova M. I., Khaidarov N. K., Islamov S. E. Pathomorphological Changes in Cerebral Vasculature in Ischaemic Stroke //JournalNX. – 2021. – Т. 7. – №. 03. – С. 60-66.
61. Khikmatullaeva K. et al. Cognitive Disorders in Stroke //International Journal of Health and Medical Sciences. – Т. 4. – №. 2. – С. 202-207.
62. Shomurodov K., Khaidarov N., Kamalova M. The formation and eruption of baby teeth in children //Збірник наукових праць SCIENTIA. – 2021.
63. Zaheer A., Ozsunar Y., Schaefer P. W. Magnetic resonance imaging of cerebral hemorrhagic stroke //Topics in Magnetic Resonance Imaging. – 2000. – Т. 11. – №. 5. – С. 288-299.